


Х. ТОШМАТОВ.



КАШЛАР ДЕ-
АРИ ТОШКЕНТ
СОВЕТИНИНГ
КОМИТЕТИ

Социалистик Мехнат Қаз
мони Х. Қорабев, З. Неъм
жанов, П. Костенко, Ю.
бердиев, Ж. Қайомов каби
тоқлар бошқик бригадалар
натда юкори курастакча
эришиб, топишрини 150-
процентдан бажаришати.

Июнь ойи ҳисобига ишла
ган илгор бошқарма коллект
ви шу йилинчи биринчи - ки
таинда трест буйича иккин
ўрини эгаллаган эди. Бир
корлар иккинчи квартал
нида биринчи ўринни эгал
қўчма Қизил байроқни ол
утчи меҳнат қўшисмоқла.

жой қуриб беришга аҳд қил-
қили тул бинокорлар шу қуни-
да суръатга-суръат қушиб иш-
моқда. Иш уч сменада таш-
этилган.

Пешқадамлар тезкор ишла-
лан бирга иморатларнинг пи-
пухта бўлишига ҳам катта аҳд
янг беришяпти. Шунинг учун у-
нинг қўлидан чиккан бинокор

Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Рансининг уринбосари
С. О. Азимов республика шаҳар
кашпоқларининг барча меҳнат-
кашлар помидан қардош Тожи-
кистон намоиядаларига оқ йўл
илади. Тожикистон ССР Ми-
нистрлар Совети Рансининг урин-
босари М. К. Каримова жавоб
тутки сўзлаб, ўзбеклар дийрдага
чурашувлар бир умр қалбимизда
ақлавади, деб айтди.

(процент ҳисобда)		
Районлар	Бир кунда	Маъсум бошдан бери
БЕКБОД	6,7	101,6
Катиний	6,2	15,6
Янгийул	3,3	4,7
Оққўрғон	0,9	1,0
Бўка	0,6	0,9
Оржоникидзе	0,1	0,2
Юкори Чирчиқ	—	—
Урта Чирчиқ	—	—
Область бўйича	2,2	11,6

МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ
ШАҲАР СОВЕТИНИНГ
I ЧАҚИРИҚ VI СЕССИЯСИНИ
ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

...иладик, меҳнатқашлар, депу-
...глари Тошкент шаҳар Совети-
...нинг XI қақирик VI сессияси
1968 йил 6 июнда эрта билан со-
...10 да ЎзКП Октябрь район ко-
...итетининг мажлисида даида

«Беш кўнлик» иш ҳафтасига
йилиш муносабати билан май-
нинг хизмат кўрсатиш, савдо ва
мумий овқатланиш корхоналари
чини ятада яхшилаш тадбирла-

Шаҳар Совети саноат ҳамда
ишчи хизмат кўрсатиш бўйича
иқтисодий комиссия раисининг ўрин-
босари — И. Ш. Шодибеков, ша-

я раиси А. М. Пивкина ўртоқ-
р қўшимча доклад қилишди.
Депутатлар шу бинонинг ўзид
июнь эрта билан соат 9 да
шлаб рўйхатга олинади.

ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

Област, «Хўрват тахтаси»га қармаси ва пиллачилик бошқарм
колхозлар, совхозлар ва район тасвир этган ҳўжаликлар
ларнинг номлари, колхоз раисла районлар ёналади.

Журнал ТАХТАСИ

ташга» та ёзилдилар.

Бекобод райони (район партия комитетининг секретари М. Нумонов, район ижроия комитетининг раиси П. Кусеров, район ёшлар ҳўҳалани бошқармасининг бошлиғи Қозқобон, район комсомол комитетининг секретари З. Қодиров, район пиллаҳонасининг директори Р. Абдуллаев ёрқоллар). Бу район, давлатга 1979 центнердан ҳўроқ пилла топиши, пилла 101,6 процент баъжарган.

Қолҳўз (райси Х. Ҳамроқул) партия ташқилотиининг секретари О. Эшонов ёрқоллар). Бу қолҳўз давлатга 19 минг центерграмдан орққ пилла сотиб, пиллани аяч ошириб баъжарган.

Шу райондан Навой номи қолҳўз (райси О. Отабев, партия ташқилотиининг секретари Б. Норджигитов, пиллачилик бригадасининг бошлиғи А. Бузурук) ёрқоллар). Бу қолҳўз давлатга 1910 центерграмдан орққ пилла сотиб,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан республика маъмурий органларида узоқ йил самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Тошкент област судининг раиси **Маъсумов** Мамажонга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий аълиги берилди.

ҲАР ДОИМ БЎЛСИН ҚУЁШ, ҲАР ДОИМ БЎЛСИН ОНАМ, ҲАР ДОИМ БЎЛСИН ОСМОН, ҲАР ДОИМ БЎЛАЙ МЕН.

ҚУЁШ ФАРЗАНДЛАРИ

Совет болаларининг иссиқ қуёш ва булутсиз осмон, меҳрибон она ва қувноқ бола ҳақидаги қўшиғи бутун дунёга машҳур. Уни ер юзининг ҳар бир бурчида фақат болаларгина эмас, балки катталар ҳам севиб, аяқ билан айтишади. У ҳақида тилларда бирдек, бир хил оҳангда янгирайди.

Бу бечиз эмас, албатта! Планетамиздаги барча болалар, рангларининг ҳар хил бўлишидан, турли тилда талашинишларидан қатъий назар, бир хил! Улар ҳаминча ҳароратли қўшини, ажал уруғини кўтариб ўчиб юрвчи самолётлар учмайдиган мусасффо осмон бўлишини интилайдилар. Уларнинг ота-оналари эса болаларининг тўғиб-тўғиб оқсат еяйинчи, кўз олдида қувноқ бўлиб юршиларини интилайдилар.

Кичик мана шундай ҳақида ўйлар экан, кўз олдида беҳтеър тарихининг ҳам муғлиги, ҳам жоизбали саҳифалари намоён бўлади. Қара! Бир кичкинчи умричаллик вақт ичда Ер юзига қандай муҳим воқеалар бўлди? Биринчи жаҳон уруши! Иккинчи жаҳон уруши! Бу урушлар келтирган қирғинлик, айирналик, очлик, қашшоқлик ва касалликлар...

Матлубки, халқлар бошига тушган мана шундай қулоқларда ҳаммадан кўпроқ болалар жабрланадилар. Шунинг учун ҳам ер юзидagi хотин-қизларнинг вақиларини планетамиз бошига энг қўн ташиниш ва ҳам-гусса солган кичкинчи жаҳон урушидан кейин, 1949 йилда Москвада йилгилик, исноннинг келажиги — болаларни ҳимоя қилиш масаласини муҳокама қилидилар. Ер юзидagi 90 мамлакатда 200 миллион аъзоси бўлган Халқаро Демократик хотин-қизлар Федерациясининг шу сессияда болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни ҳақида қарор қабул қилинди. 1950 йил эса бу кун биринчи марта 51 мамлакатда нишонланди. Шундан кейин жаҳоннинг илгир, соф виждонли кишилари ҳар йили 1 июни болаларнинг тинчлигини ва бахтини ҳимоя қилиш тизмолари сифатида нишонлаб келмоқдалар.

Совет ҳокимиятининг Б. И. Ленин қўл қўйган давлати бо-

декретларидаёқ болаларни тарбиялаш, ўқитиш ишлари давлат аҳамиятига эга бўлган иш деб саналган эди. Илгари Россиянинг чет ўлкаси, қолоқ мустақиллаштирилган фарзандлар ҳам Октябрь — туфайли қувноқ ҳаётга, бахтли болаликка эришдилар. Фақат мактабларнинг ўзи республикамизда революциядан кейин 144 марта кўпайди. Болаларга 150 мингдан ортиқ ўқитувчи таълим ва тарбия бермоқда. Пионер саройлари ва ўйлар, туристик ва техника станциялари, стадионлар ва клублар болалар хизматида.

Илгари республикамизда болалар учун на китоб чикариларди, на газета ва журнал. Ҳозир махсус «Еш гвардия» нашриётимиз, болаларнинг «Ленин учқуни», «Пионер Востока», «Жеткиншек» газеталари, «Гулхан», «Гуляча» журналлари бор. Ҳозирги пайтда фақат «Ленин учқуни» газетасининг ўзи 565 мингдан ортиқ нусхада чикарилади.

Қардош социалистик мамлакатларда ҳам болаларга худди бизникидек шарт-шароитлар яратиб берилган. Бу мамлакатларда ҳам «Еш гвардия» деган шпор амалга оширилмоқда.

Аммо, капитал ва капиталистлар ҳукмрон бўлган мамлакатларда, уларга қарама бўлган мустақиллашган мамлакатларда болалар ҳаёти нисбатан ачинарли аҳволда. Дунёда ҳозир бир миллиондан ортиқ бола бўлса, шундан 600 миллионга яқини очлик ва ҳар хил касаллик азобини торттишга мажбур бўлаётди. Уларнинг кўпчилигини Осиё, Африка ва Латин Америка мамлакатларидаги болалар ташкил қилади.

Африкада эса ҳар уч боланинг бири беш ёшга етмай, ҳар минг боладан 120—200 таси эса бир ёшга тўлмай ўлиб кетган. Латин Америкада эса аҳоли бундан ҳам аянчли.

Капиталистик давлатларда болаларнинг ўқиш учун шарт-шароит яратиб берилмаган. Масалан, Англияда болаларнинг 70 проценти, Германия Федератив Республикасида бо-

лаларнинг 75 проценти фақат бошланғич ёки бирор соҳа билан боғланган тузилмаси ўрта мактаблардагина ўқиш олади. Ҳарбий Германияда 65 минг синф хонаси, 100 минг ўқитувчи етишмайди. Америкада негр болалари оқлар ўқийдиган мактабларда ўқиш олмайдилар.

Ҳозирги пайтда Америка империалистларининг Вьетнам халқи, Вьетнам болалари бошига солаётган қулоқларини бутун инсониятни қараблантирмоқда. Америка «капиталистларининг Вьетнам Демократик Республикасининг аҳоли ишлайдиган районларини, мактаб, касалхона ва боқчаларни тўхтовсиз бомбардировка қилиши уларнинг инсонлик қиёфаларини бутунлай йўқотқандикларини кўрсатиб турибди. Лекин, Вьетнам халқи душманининг ҳар қандай дўшманига ридан кўрқмайди. Улар то галаба қозонгунча курашмишга аҳд қилишган. Бу курашда уларга совет болалари ҳам хайрихоҳдир. Владивосток ва Новороссийск портларидан совет ишкерларининг советлар ортга қайтарган кўрсаткичи Вьетнам томон тўзиб кетди. Ушбу республикамизда ёш ленинчилари юборган 1800 дан янама соғва ҳам бор эди. Бу соғвалар совет пионерларининг вьетнамлик ва ташқаровлардан бирдан эканликларини кўрсатувчи катта тизимларидир.

Тинчлик кучи тантана қилади, қора қушлар енгилди! Биз бунга қатъий ишонамиз. Болалар қўшиғида айтаётганидек, планетамиз устида қуёш ва соф осмон ҳаминча пардаб турарди, она ва қувноқ бола ҳаминча бор бўларди. Шундай қушлар келадик, болаларни бирордан ҳимоя қилишнинг ҳолати бўлмай қоларди. Шунда 1 июнь — Халқаро Советлар кўнгига айланади. Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатлар болаларининг ҳаёти бунга яхши намунадир.

Қувноқ болалик ҳаминча бор бўлсин!

Суроб НҲДШОВЕ.
«Ленин учқуни» газетасининг редактори.



КИЧКИНТОЙЛАР бир зум ҳам зеринчи ишларини билмайдилар. Ҳаммадан ҳам сир-ғаймачоқ — эркатойларнинг жони. Группалардаги машғулотлар тугаган замон болалар шу ерга югуришади.

ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР қушлар исини билан ям-яшил дарахлар, гулларга бурканган боғчининг баҳаво айвонига чиқибди. Кун бўйи яшириб дам олишади, ўйнаб-қулашади. Чапдан суратда тарбиячи Рашида Содиқова ширин болаларга ширин чой қуйиб бермоқда.

А. Абалин фотолари.

ЧИРЧИҚ ПИОНЕРЛАРИ—ВЬЕТНАМГА

Америка Қўшма Штатларининг бошбардимончи самолётлари қаҳрамон Вьетнам шаҳарларини тинчсиз вайрон қилмоқда. Бунинг оқибатида ўқувчилар учун дафтар, қалам, босма қозоғ ва бошқа ўқув қуроллари ишлаб чиқарадиган завод ва фабрикалар иш-кастланаётди.

Шунинг учун ҳам совет болалари қулоқда қолган тегишдошларига қўшларидан келганча ёрдам бериш учун Вьетнам халқи билан бирдамлик ойларида қатнашиб, ўқув қуроллари ва бошқа соғвалар тайёрлашга киришдилар.

Социалистик Чирчиқ шахри пионер ва ўқувчилари ҳам бу ойдада асвти қатнашиб-аҳд қилдилар. Шаҳардаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари вьетнамлик тегишдошларига қулоқ рўчча, перо ва рангли қаламлар, папка, пионер талстутлари хозирлашган бўлса, 7-синф чевар-ўқувчилари эса ўз қўшлари билан қўйлақлар тайёрлашди.

Соғвалар ичда турли оғирликлар ва меҳр-муҳаббат тўла дил сўзлари билан боғлашиб, сўнгида: «Биз сен билан бирга, вьетнамлик ўртоқ», «Вьетнам галаба қилади», «Вьетнамни тинчлик» деган ёзувлар билан тугаган мактублар ҳам бор.

БАХТИЁРЛАР

Мураббига опа эрталаб болаларни рўйхат қилади:
— Рустам!
— Лабоай!
— Бахадир!
— Лабоай!
— Дилшод...

Нарини гуруҳида ҳам кун ана шундай рўйхатдан бошланади: Қувонди, Рашида, Малика, Шахло, Эркин, Гайрат, Шухрат, Чарос... Бир-биридан чиройли, бири-бирдан ёқимли исмлар. Санаб адишиб кетдик: бир Олимжондан неча Олимжон, Муҳаббат ва Фарҳодлардан ҳам адашлар кўп экан.

Ҳа, фарзандларнинг номларида ота-оналарнинг энг яхши оғуз-хаваслари, умидлари акс этади. Мана бу декларация қилиб берган қизалоқ ўзини Адиба Содиқова, деб таништирди. Эҳтимол, унинг кўн-дидидаги ўз фарзандининг номидида ёзувчи, адабани кўришни оғуз қилинган. Олимжонларнинг ота-оналари эса ўз ўғлининг фозили, доно бўлишини истаб шу исмин танаблган. Кичкинтойларнинг шўх харақтери, қувноқ табиятига мос тушган мана шу номларнинг ўзбек бахтиёр давримизнинг бир рамзидир. Бунақа номларни бундан бир азда илгари учратиш қийин эди.

Янги давр, янги замон янги исмларни ҳам келтириб чиқарган. Исмларинга ўзгарган йўн. Бошқа ҳаёти билан танишар экансиз, бу ердаги шароитнинг ҳам ўзгариб, бошқа бўлиб кетганини кўрасиз.

Мана, шундай янгиликлардан бири. 293-боғчада болаларни савод-

га ўргатиш тажриба қилиб қўрилмоқда. Тайёрлов гуруҳидаги кичкинтойлар «Алифбе» билан тўла танишиб чиқадилар. Ҳамма ҳарфларни ўрганадилар. Оқдй арифметикадан сабоқ олади. Тарбиячи Шоира Абдуллаева болаларнинг қўлига китоб, қалам, тузқазиб, бутун меҳри билан уларни илм даргоҳига илк бор етказиб кирмоқда.

— Бу тажриба яхши натижа бераётди, — дейди боғча мудири халқ маорифи аълоисини Салтанат Ҳайдарова. — Енимиздаги 92-мактаб ўқитувчилари билан фикрлашиб турамыз. Улар жуда хурсанд. Бизда савод чиқарган болалар бу ерда фақат аъло баҳоларда ўқишмоқда.

Боғчадаги бу тажриба педагогика фанлари илмий-тектириш институтининг бир қатор ходимларини қизиқтириб қўйди. Шу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотга яхшигина фактлар тўпланмоқда.

Бошқа, кичкина гуруҳидаги болалар ҳам зеринчи ишларини билишмайдилар, бир минут ҳам бўш қолишмайдилар. Аксарик умдаг олтин балчиқлар, шинам бассейни, душоҳоналар, жаҳелалар, ҳар хил ўйинлар ўтказишга мўлажалланган майдончалар, гулзорлар атрофида бахтиёрларнинг қувноқ кулгиси эшитилади.

Боғчада болаларни соғлом

С. МУСАЕВ.
Октябрь районидан 293-болалар ясли-боғчаси.

КЕЛАЖАГИМ БАҒРИМГА БОСДИМ

Куни бўйи қилаб у шўхлик Чарчаганим ухлабди қўзим, Беланчада етиши қўхлик, Тикиламан, қувноқ қўзим, Жўшиб кетар оталик меҳрим Ва бўламан унга гиригиттон. Ҳис этаман фарзандинг сеҳрини:

Ширин экан шу бир кичик жон-Халқларга бўламан мафтун: Кўз ўнгимда қувончим, эркам, Келажаким ўйламан, бахтин, Унинг билан чароғон эртан, Тикиламан беланчақ узар, Эрка-эрка нафас олар у. Уйқусида неларни қўлаб, Нималарин қиларки оғуз? Беланчаги — гўёки елкан, Тебраниши — унинг парвози. Уйқуда туш кўрдими экан, Талинлади кўкка шоввозим, Эркалашиб, қўшларини қўзиб Қўшганим ичтилар тухлунг? Е кетмоқчи Зухродан ўзиб, Е Ой сари учмоқчи, ўғлим! Ана кўлди, балки тушда Сайёралар олган измини. Парвоз қилиб оғуз-қушида, Само узар солган изини. Тикиламан, ухлар осуда Мурғаккинам лабиди кўлгу. О, бу шундай ширин оғузда, Чин оғузда сира айб йўқ-ку! Уйғониб ҳам қолди Сарварим, Кўлиб туриб қўзимни очди. Жўшиб кетиб оталик меҳрим, Келажаким бағримга босдим. Анвар ЮСУПОВ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР БИЗДА...

— Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 9 миллионга яқин кичкинтойлар болалар боғчаси ва ясли-ларда тарбияланади. Бу 1963 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўп демекдир.

— Ҳар йили 5 миллион мактаб ўқувчиси бағи каникулда пионер лагерларида ҳордақ чиқаради.

— Мамлакатимизда шу беш йиллик мобайнида ёшларни умий ўрта таълимга тўла-тўғисиз ўқитиш асосан тугалланди. Ҳозирги вақтда ана шу умум таълим мактабларидаги ўқувчилар сонини революциядан аввалгига қараганда мамлакатимиз бўйича 5 баравар, Ўзбекистон бўйича эса 144 баравар кўпайди. Мактаблардаги дарслар 80 га яқин тилда олиб борилади.

— Ўзбекистон қулиримизда 3,5 минг пионерлар уйи ва саройлари, 5 минг болалар кутубхонаси, фарзандларимиз ихтиёрига бериб қўйилган.

— Мамлакатимизда болалар саломатлигини сақлаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилган. Ҳозирги вақтда 75 мингга яқин врач бевосита болалар саломатлигини пообонларидир.



Журналистик касби ҳоғта шарафли ва мўтабар, шу билан бир вақтда ҳоғта машаққатли ва масъулиятли касб. Бу касб оғаларини халқнинг ҳурмат қилади, қадрдон дўст ва маслаҳатқўй, деб билади, уларга чин қўнгилдан ишонади. Журналист ҳам партия ва халқ иши учун ўзини бир умрга сарфарб этишган, деб билади. Ўзгаларнинг ташвиши ва шодлиги йўлида ўзи ҳузур-халоватидан кечадй, ҳар бир бошлаган ишнинг охирига етказмагунча тиниб-тинчимайди. У бутун вазудни, иштишларни, хатти-харақатларни билан бамисоли шам бўлиб ёнади, қалб қўри, тафаккур машаққат билан ўзгаларнинг дилини равшан, йўлини нурафшон этади.

Ўрта Осиёда ана шундай касб эгаларини тарбиялаб етиштирадиган бир даргоҳ бор. Бу Б. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетидир. Факультетимизнинг қисқа, аммо ибратли тарихи бор.

Ҳозирги журналистика факультетининг илк қадамлари бунда қарийб ўн ўнгики йил мўқадда қўйилган эди. Ўшанда 28 нафар тийрак йилгиз-қиз Ўрта Осиёда биринчи марта оқиланг журналистика бўлимининг дастлабки талабалари бўлишганди. Ўзбекистонда журналистика таълими сўғмоқдан бориш осон бўлмади. Ўша йилларда маъбуот тарихи, назария ва практикадан дарс берадиган бирорта мутахассис — муаллимни топиш амри-маҳол эди. Нариядан-бири ташкил этилган журналистика кафедрасида мудар ва лаборандан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Журналистика фанига доир дарсликлар ўзбек тилидагина эмас, рус тилида ҳам топилмади. Бу қийинчиликлар ва етишмовчиликлар журналистик касбига меҳр қўйган, билимга ташна ёшлар йўлига ғов бўзломди. Фақат кўпроқ мустақил ўқишга, бор адабиётларини тинчсиз мўтолаа қилишга тўғри келди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ағтидиш-пропаганда бўлими, хусусан матбуот сектори журналистика бўлимига алоҳида эътибор билан қараб, бу бўлимининг оёққа туриши, мутахассислар билан таъминлиниши, редакциялар билан мустақил алоқа ўратишига ялпидан кўмаклашди. «Совет Ўзбекистони» редакцияси коллективни бўлимининг оталиққа олди.

1954 йили бўлим ўзининг қалдирғоч талабаларини биринчи бор ҳаётга йўллади. Тақдирнинг табассумига қарангки, катта қийинчилик ва ташкил билан таълим олган 28 йилгиз-қизнинг барчаси тез орада республикамиз матбуоти ходимлари сафидан мўжосиб ўрин олди. Эндиликда уларнинг кўпчилиги масъулиятли лавозимларда ишламоқдалар.

Ўшандан бери журналистика бўлими ўз талабаларини ўн тўрт марта университет бағридан меҳнат кучига узатди.

ЖУРНАЛИСТ КАДРЛАР УЧОҒИ

1957-58 ўқув йилидан бошлаб аввал сиртин, кейинроқ кечки бўлимлар ҳам очилди. Шундай қилиб, ҳозиргача қулдўзати, кечин ва сиртин бўлимларини 750 га яқин талаба битириб чиқди ва уларнинг катта кўнчилиги матбуотчиларимиз сафида шаддам одимламоқда.

Эндиликда республикамиз матбуотининг бирор тармоғи ёки тури йўқки, у ерда бўлиминиз талабаларидан бир нечаси қалам тебратмаётган бўлсин. Бўлимининг бир қатор талабалари қардош Қорақалпоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонда самаралар меҳнат қилмоқдалар. «Комсомольская правда»нинг Қубадаги ўз мухбири И. Хўзэми, Москва марказий телестудиясининг етакчи редакторларидан Э. Муртазин, «Журналист» журнални бош редакторларининг ўринбосари А. Егоровлар ҳам бизнинг бўлиминизда таълим олган журналистлардир.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ҲАЁТ

Ўз фаолиятини 28 талаба, бир лаборант ва мудар билан бошлаган бўлим бутунги кунда Иттифоқимиздаги 7 журналистика факультетининг биридир. 1968-69 ўқув йилида биргина журналистика кафедраси ўрнида 3 та мустақил кафедра: партия-совет матбуоти назарияси ва практикаси, рус ва ўзбек журналистикаси тарихи, стилистика ва тахрир кафедралари ташкил этилди. 1967-68 ўқув йилида эса, партия-хукуматнинг махсус қарорин билан журналистика бўлими ўрнида мустақил факультет барпо этилди. Ҳозирда факультетнинг қулдўзати, кечин ва сиртин бўлимларида 950 дан ортиқ киши ўқишмоқда. Бир фан доктори ва профессор, 9 фан кандидат ва доцентлар, ҳаммаси бўлиб 20 дан ортиқ муаллим уларга таълим бермоқда.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб ўқув босмаҳонамиз ишга тушади. Бу шубҳасиз, юқори далакали мутахассислар тайёрлашда муҳим роля бўлади: нафарий бўлимлар билан амалий ишлар алоҳида янада мустаҳкамланади, студентлар газета чиқариш техникасини мукамил ўрганиш ва ўзлаштириш имконига эга бўладилар.

Янги-йилларгача асосий эътиборни газета учун адабий ходимларни тайёрлашга қаратар, ўқилмаган асосий предмети билан ҳам шу мақсадга йўналиштирадик. Утган ўнв йилидан бошлаб нашриёт ишлари ва тарихига доир предметилар программаси анча кенгайтирилди, тарихига назарияси ва практикаси курси, радио-журналистика ва тележурналистика назарияси ва практикаси курси, кино тарихи ва кинопублицистика назарияси курслари ўқитилга бошланди.

Сўнги йилларда факультетдаги илмий-тадқиқот ишлари анча жонланди. Асосий эътибор ўзбек журналистикаси тарихи ва назариясининг ақтуал масалаларини тадқиқ этишга ҳамда журналистика фанидан ўзбек тилида дарсликлар, ўқув қўламама-лари ва программалар тўзишга қаратилган. Факультет коллективни ўтган беш йил мобайнида ўзбек журналистикасининг тарихи ва назариясига оид иккита катта тўтаман (20 босма лист ҳажмида) нашр эттирди, факультет ўқитувчиларининг бир неча китоб ва брошюралари, ўқув илмий-назарий мақолалари босилиб чиқди. Ҳозир улар «Совет журналистикаси» асосларини ўқув қўламамасини ва бир қатор предметилардан ўзбек тилида ёзилган программаларни нашрга тайёрламоқдалар.

Шу ўқув йилидан бошлаб журналистика факультетини қонига да аспирантура ташкил этилди. Бундан бўён журналистика фанимиз учун аспирантура йўли билан юқори маалаки мутахассислар тайёрлаб беришга алоҳида эътибор берамиз. Яқин келажакда сиртин аспирантурани ҳам йўлга қўйиш ниятимиз бор.

Истиқболимиз порлоқ, режаларимиз яна ҳам улкан. Яқин йилларда радио ва телевидение кафедраси очиб мўлақимиз бор. Келгуси ўқув йилини университет шаҳарчасидан янги бинода бошлаймиз. Янги бинода факультетнинг яхши ихтилолган матбуот кабинети, фото ва радиолaborаториялари, машина-када ёзиш ва стенография ўргатадиган махсус хоналари бўлади.

Факультетимизга ўз фаолиятини партия ва халқ ишига садоқатли, марксизм-ленинизм таълимотига содиқ, юксак коммунистик эътиқодга эга бўлган халқини ва ҳақиқатчи журналистлар тайёрлаб беришга қаратади.

В. И. Ленин номидаги ТошДУ журналистика факультетининг декан мўвоини, тарих фанлари кандидати, доцент.

